

## 2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 625-ҳадис

\* الدَّنْبُ شُوْمٌ عَلَى غَيْرِ فَاعِلِهِ، إِنْ عَيَّرَهُ ابْتُلِيَ بِهِ، وَإِنْ اغْتَابَهُ أَثِمَ، وَإِنْ رَضِيَ بِهِ شَاكَهُ.

(رواه الديلمي عن أنس)

Гуноҳ - уни қилмаган кишига бахтсизликдир. Агар уни қилган кишини у билан айбласа, ўзи ўша гуноҳга мубтало бўлади. Агар уни қилган одамни ғийбат этса, гуноҳкор бўлади. Агар унга рози бўлса, унга шерикдир.

*Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.*

**Фойда:** Демак, гуноҳ қилаётган кишини айбламайсиз ҳам, ғийбат ҳам қилмайсиз ва унинг қилаётган ишидан рози ҳам бўлмайсиз. Балки бунинг ўрнига амри маъруф ва наҳйи мункар қиласиз.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI